Ватан севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Нархи: 5 сўм

1993 йил 5 январь, сешанба № 3 (21.357).

КЕЧА ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН ЎРТА ОСИЁ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ВА ҚОЗОҒИСТОН РАҲБАРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ БЎЛИБ ЎТДИ. УЧРАШУВДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ЯНГИ ҲАМДЎСТЛИГИНИ БАРПО ЭТИШ УЧУН БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТНИ ЯРАТИШ ЙЎЛИДА УМИДБАХШ ҚАДАМЛАР ҚЎЙИЛДИ

ТОШКЕНТ ПРЕЗИДЕНТЛАРНИ КУТИБ ОЛДИ

• 3 январь куни Ўрта Осиё мамлакатлари ва Қозоғистон давлат ҳамда ҳукумат бошлиқлари Тошкентга келдилар. Учрашувда иқтисодиётни барқарорлаштириш, бозор муносабатларига қийинчиликсиз ўтиш соҳасидаги куч-ғайратларни жипслаштиришга оид кўпгина масалаларни муҳокама қилиш назарда тутилмоқда.

Бу учрашув Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан ўтказилмоқда. Республика раҳбари ЎзА мухбирларига мазкур анжуманнинг моҳияти тўғрисида бундай деди: «Ҳеч ким бизнинг истиқлолимизга даҳл қилолмаслиги учун ҳар биримиз ўз йўлимиздан, ўзаро тинч-тотув ва ҳамкорликда, жипслашиб ҳаракат қилишимиз зарур».

Барча давлат раҳбарлари Тошкентга келиш ҳақидаги таклифга бажонидил розилик берганликларини алоҳида таъкидламоқ керак. Уларнинг ҳар бири ўз мамлакати манфаатини ўйлаб иш тутиши табиий. Шу билан бирга уларни ягона мақсад бирлаштиради, у ҳам бўлса — иқтисодий муаммоларни қандай қилиб бўлмасин тезроқ ва осонроқ бартараф этиш, минтақада ўзаро фойдали муносабатларни йўлга қўйишдир.

— Гарчи мустақил бўлсак-да, ўзимиз ҳал қилолмайдиган кўпгина муаммоларга дуч келдик, — деди Тожикистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Имомали Раҳмонов. — Ҳар ҳолда, тоғли ўлкамиздаги турмуш аста-секин ўз маромига тушмоқда. Янги йил байрами кунларида республикада биронта ўқ отилмади. Назаримда, бу [illegible] шув Тошкентда ўтка[illegible] нинг ўзига хос[illegible]ои Халқ деноси бор. У а[illegible]ртияси Сирдарё [illegible]ийлоят кенгашининг навбатда[illegible]

[illegible] кезларда ўзбек халқининг биродарлик ёрдами эса, беқиёс бўлди. Биз халқ осойишталигини тиклашимиз, барбод этилган иқтисодиётни оёққа қўйишимиз керак. Бу борада Тошкент учрашуви муҳим қарорлар қабул қилишига ишончим комил.

Туркманистон Республикасининг Президенти Сапармурод Ниёзов қуйидаги фикрни билдирди: «Республикаларимизнинг мустақилликка эришуви мутлақо алоҳида бўлишни билдирмайди. Қолаверса, бугунги кунда ўзаро манфаатли муносабатларнинг раҳбарлари бир неча бор таъкидлаганларидек, бу жаҳондаги бошқа давлатлардан ажралиб қолиш деган гап эмас. Мустақил мамлакатлар мавжуд чегараларни қатъий эътироф этадилар, Ҳамдўстликдаги бошқа давлатлар, айниқса, Россия Федерацияси билан бундан буён ҳам мустаҳкам ҳамкорлик қилишга тайёрдирлар.

Президентларнинг жавобларида рубль зонасига катта эътибор берилди. Журналистлар билан учрашувда таъкидланганидек, сўнгги вақтда Россия молия сиёсатида монополиячи сифатида иш тутиб, бошқа давлатларнинг манфаатларини эътиборга олмаяпти. Бу эса мустақил давлатларнинг иқтисодиётига салбий таъсир қилмоқда. Шу сабабли давлат бошлиқлари билан бирликда Тошкент учрашувига келган мутахассислар ўз валютасига ўтишнинг эҳтимол тутилган вариантларини муҳокама қилдилар. Бироқ, бу ишда шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди. Мазкур саволга Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг 22 январда Минскда бўладиган учрашуви аниқ жавоб беради. Лекин ҳозир шуни айтиш мумкинки, Тошкент учрашувининг қатнашчилари бу масала хусусида ўз таклифларини киритадилар. Бу соҳада томонларнинг ўзаро ён босиши зарур бўлади.

Тошкентда ана шу масалалардан ташқари Орол денгизи теграсидаги экологик барқарорлик муаммолари муҳокама қилинди. Бунинг учун бешта давлатнинг қўшма жамғармасини таш[illegible] даражали аҳ[illegible]моқда. Шу бо[illegible]ринчи котиби С. Ус[illegible]аримовнинг [illegible]руза қилди.

Пленумда партия ҳаётидаги [illegible] таклифини [illegible]ликларга ҳам эъ[illegible]линган тўғри таклиф, деб ҳисоблайман».

Қозоғистон Республикасининг Президенти Нурсултон Назарбоев Тошкент учрашувининг аҳамияти ҳақида гапириб, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ўртасидаги азалий анъанавий дўстона муносабатларга журналистларнинг эътиборини қаратди. Ҳозирги шароитда бу муносабатларни такомиллаштириш, янги босқичга кўтариш зарурлигини айтди. Бу улкан минтақада яшовчи халқлар қудратли иқтисодий салоҳиятга эга бўлганликлари туфайли маданий бозор муносабатларига осонгина ўта олишлари, халқнинг турмуш даражасини анча кўтаришга эриша олишлари мумкин ва лозим.

Қозоғистон раҳбари учрашувни ҳукумат бошлиқлари ва етакчи экспертлар иштирокида Тошкентда ўтказиш ҳақидаги таклиф ниҳоятда долзарблигини таъкидлади.

— Йил бошидаёқ энг муҳим масалаларни ҳал этиш учун йиғилганимизда чуқур рамзий маъно бор, — деди Қирғизистон Президенти Аскар Акаев. — Парчаланиш ва жиддий инқироз даври ортда қолди, деб ўйлайман. Истиқболдаги йил бунёдкорлик йили бўлади. Бунда куч-ғайратларни жипслаштирмай туриб, биргаликдаги ҳаракат дастурисиз муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Аэропортда Ўрта Осиё мамлакатлари ва Қозоғистон давлат ҳамда ҳукумат бошлиқларини Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, республика Бош вазири Абдулҳошим Муталов, Ўзбекистон Олий Кенгашининг Раиси Шавкат Йўлдошев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси раҳбарлари томонидан учрашув қатнашчилари шарафига зиёфат берилди.

Л. ЛЕВИН,
А. АЗИМОВ,
ЎзА мухбирлари.

Қардош давлатлардан келган меҳмонларни кутиб олиш пайти.

А. ЗУФАРОВ олган суратлар.

ҚЎШМА АХБОРОТ

Давлат бошлиқлари: Қозоғистон Республикасининг Президенти Н. А. Назарбоев, Қирғизистон Республикасининг Президенти А. А. Акаев, Тожикистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси И. Раҳмонов, Туркманистон Президенти С. А. Ниёзов, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов 1993 йил 4 январда Тошкентда учрашдилар. Учрашув қатнашчилари минтақа давлатларидаги сиёсий ва иқтисодий аҳволни батафсил муҳокама қилдилар. Ушбу мустақил давлатлар ўртасидаги тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли иқтисодий, ижтимоий алоқаларни янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикрлашиб олиш фойдали бўлди. Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги аҳвол кўриб чиқилди. Ҳаммани қизиқтираётган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Муҳокама чоғида бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш шароитида иқтисодий, молиявий соҳаларда ва бошқа соҳаларда ўзаро келишилган сиёсатни амалга ошириш зарурлиги ҳақида таклифлар айтилди.

Учрашувда минтақа мамлакатлари ўртасидаги икки ёқлама ва кўп ёқлама шартномалар ҳамда савдо-иқтисодий битимлар қандай бажарилаётгани таҳлил этилди. Бу муносабатлар сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва инсоний муаммоларни амалий ҳал этишда, шу жумладан, ишлаб чиқаришдаги таназзул ва пулнинг қадрсизланиши, аҳоли турмуш даражасининг пасайиши оқибатларини маълум даражада енгиллатиш учун асос бўлганлиги таъкидланди.

Учрашув қатнашчилари минтақа мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий алоқаларни тағин ҳам мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидладилар. Давлатлараро ва ҳукуматлараро шартномалар ҳамда битимлар ижросини мунтазам назорат қилиб бо[illegible]нинг аниқ воситаларини ишлаб чиқиш тўғрисида [illegible]ларга келинди.

Давлат бошлиқлари қардош тожик халқига ҳар томонлама ёрдам беришга тайёр эканликларини тасдиқладилар, республика раҳбариятининг Тожикистонни сиёсий ва иқтисодий бухрон вазиятидан тезроқ олиб чиқиш юзасидан кўраётган чораларни қўллаб-қувватладилар.

Давлат бошлиқлари Тожикистоннинг конституциявий ҳокимиятини маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ҳамда озиқ-овқат, дори-дармон ва кийим-кечак билан одамийлик ёрдами кўрсатишни кучайтиришни маъқуллаб фикр билдирдилар.

Учрашув доирасида халқаро ҳамкорлик ва бу соҳадаги ҳаракатларни келишиб олиш, жумладан, минтақа хавфсизлигини ва тинчликни мустаҳкамлаш юзасидан ҳамкорлик қилиш масалалари фикрлашиб олинди.

Бир-бирларига элчилар юборишга қарор қилинди ва бу масалани 1993 йил 1 февралга қадар белгиланган тартибда ҳал қилиш Ташқи ишлар вазирликларига топширилди.

Давлат бошлиқлари фикрлашиб олиш натижасида ҳукуматларга нарх сиёсати, алоқаларни ривожлантириш, энергия манбалари билан таъминлаш, Орол ва Каспий денгизлари муаммолари билан боғлиқ бўлган масалаларни минтақа давлатларининг манфаатларини кўзлаб ишлаб чиқишни топширдилар. Томонлар Оролни сақлаб қолиш халқаро жамғармасини тузиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Жамғарманинг мажлисларини Қизил Ўрда, Нукус ва Тошҳовузда ўтказиш зарур деб топилди.

Учрашув қатнашчилари давлат ва ҳукумат бошлиқларининг учрашувларини мунтазам ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ деган яқдил фикрни айтдилар. Навбатдаги учрашув шу йилнинг апрель ойида Ашгабад шаҳрида ўтади.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 4 январь.

ОРҚАГА ҚАЙТИШ ЙЎҚ. ТАРИХНИНГ ЙЎЛИ ОЛҒА БОРИШДИР

ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН СУҲБАТИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Тошкентга учрашувга келган Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлатлари бошлиқлари эшикларни беркитиб олиб, уч соатдан кўпроқ мажлис қилдилар. Бу кенг доирадаги музокаралар Янги йилнинг биринчи иш кунида ўтганлиги журналистларнинг эътиборидан четда қолмади. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, бир соатни ҳам қўлдан бермаслик керак. Ҳамдўстлик мамлакатларида вужудга келаётган вазият шошилинч чоралар кўришни талаб қилмоқда.

Бу тахминни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов, Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев ва Тожикистон Олий Кенгашининг Раиси Имомали Раҳмонов иштирок этган ва анча давом этган журналистлар билан учрашув тўла тасдиқлади.

Шуни таъкидлаш керакки, оммавий ахборот воситаларининг қийин саволларига асосан Ислом Каримов билан Нурсултон Назарбоев жавоб қайтардилар. Уларнинг биринчи жавобиёқ шов-шувга сабаб бўлди. Тошкентда Марказий Осиё давлатларининг янги ҳамдўстлигини барпо этиш учун барча шарт-шароит яратилди. Аммо бу Ўрта Осиёдаги собиқ республикалар ва Қозоғистон МДҲ билан алоқаларни бутунлай узмоқчи, деган гап эмас. Улар имзоланган ҳужжатларга амал қилишга, тенг ҳуқуқли ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттиришга тайёрдирлар. Аммо биринчи навбатда бу давлатлар ўз манфаатларини ҳисобга оладилар. Президентлар бу гапларни далиллар билан етарли даражада асослаб бердилар.

Мутахассисларнинг фикрича, 55 миллиондан ортиқ одам яшайдиган Марказий Осиё минтақаси ўзининг иқтисодий салоҳияти билан энг равнақ топган мамлакатлар билан баҳслаша олади. Бой хом ашё ресурсларининг мавжудлиги, халқларнинг меҳнатсеварлиги, иқлим шароитининг қулайлиги ана шундай салоҳиятдир.

Хуллас, бешта мустақил давлат ҳудудида сифат жиҳатидан янги минтақа бозори вужудга кела бошлади. Бу бозорда ягона бож қоидалари, солиқ тизими, ягона мудофаа доираси, ўзаро келишилган нархлар мавжуд бўлади... Бундан ташқари тақчил хом ашё ва материалларни ўзаро етказиб беришда энг яқин қўшниларга афзаллик берилади. Масалан, Қозоғистон эндиликда хом нефтнинг анча қисмини Ўзбекистон ва Туркманистондаги заводларда қайта ишлайди, дон, энергетика қувватлари, жаҳон нархларида сотиладиган бошқа моллар хусусида ҳам шу гапларни айтиш мумкин.

Бироқ, мустақил давлатлар бир неча вақтда Россия молия сиёсатида монополиячи сифатида иш тутиб, бошқа давлатлар манфаатларини эътиборга олмаяпти. Бу эса мустақил давлатларнинг иқтисодиётига салбий таъсир қилмоқда. Шу сабабли давлат бошлиқлари билан бирликда Тошкент учрашувига келган мутахассислар ўз валютасига ўтишнинг эҳтимол тутилган вариантларини муҳокама қилдилар. Бироқ, бу ишда шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди. Мазкур саволга Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг 22 январда Минскда бўладиган учрашуви аниқ жавоб беради. Лекин ҳозир шуни айтиш мумкинки, Тошкент учрашувининг қатнашчилари бу масала хусусида ўз таклифларини киритадилар. Бу соҳада томонларнинг ўзаро ён босиши зарур бўлади.

Тошкентда ана шу масалалардан ташқари Орол денгизи теграсидаги экологик барқарорлик муаммолари муҳокама қилинди. Бунинг учун бешта давлатнинг қўшма жамғармасини ташкил этишга қарор қилинди. Жамғарма фалокат зонасида жойлашган учта шаҳарда навбати билан иш олиб боради. Каспий денгизи хусусида манфаатдор томонлар билан музокаралар олиб боришга ҳам аҳд қилинди. Бу музокараларда Россия ва Эрон вакиллари ҳам қатнашмоғи лозим.

Давлат бошлиқлари минтақа ягона ахборот доирасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Телевидение маркази Тошкентда, республикаларо газета таҳририяти эса Олмаотада жойлашади. Айни бир пайтда Марказий Осиё давлатларининг Форс қўрфази ва Тинч океанга чиқиши масаласи ҳам ўрганилади. Бунинг учун катта маблағ талаб қилиниши тушунарлидир. Лекин президентларнинг фикрича, таклиф этилган бир неча лойиҳани амалга ошириш мумкин.

Табиийки, Тожикистон муаммоларига жуда жиддий эътибор берилди. Давлат бошлиқлари якдиллик билан Тожикистон чегаралари дахлсизлигини айтдилар. Қўшни республикадаги аҳволни тезроқ барқарорлаштириш учун у ерга одамийлик ёрдами: кийим-кечак, дори-дармонлар, озиқ-овқат, ёнилғи-мойлаш материаллари юборилади. Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида дўстлик ва ўзаро ёрдам ҳақида учрашув чоғида имзоланган Шартнома бундай одамийлик ёрдами бериш учун асос бўлди. 11 январь куни худди шундай ҳужжатни имзолаш учун И. Раҳмонов Олмаотага жўнаб кетади.

— Иттифоқни тиклашга шу масала юзасидан матбуотда пайдо бўлган бир қанча мақолаларга қандай қарайсиз?

Бу саволга барча давлат бошлиқлари бир хил жавоб қайтардилар. Орқага қайтиш йўқ ва мумкин ҳам эмас. Улкан минтақа ҳеч қачон бошқа бирор давлатнинг хом ашё етиштирилдиган ўлкасига айланмайди.

— Тарих ғилдирагини орқага буриб бўлмайди, — деди Ислом Каримов бу фикрни ривожлантириб. — Лекин Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига шу қадар шошилиб, жаноза ўқилмаслиги керак. Минскдаги учрашув кўп жиҳатдан бурилишни бошлаб берадиган учрашув бўлиши лозим. Чунки ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун ҳамма имкониятлардан фойдаланилгани йўқ. Марказий Осиё давлатлари анъанавий қўшни давлатлар бўлиб, маданияти, анъаналари ва тилининг ўхшашлиги уларни жипслаштиради, бу давлатлар ўз йўлидан борадилар, бунга шак-шубҳа йўқ.

Тошкент учрашуви якунлари юзасидан Қўшма ахборот қабул қилинди. Давлат бошлиқлари навбатдаги мажлисни Ашгабадда ўтказишга қарор қилдилар.

* * *

Учрашув қатнашчилари — мустақил давлатларнинг раҳбарлари шу куни Тошкентдан жўнаб кетдилар.

Л. ЛЕВИН,
А. КАРИМОВ,
ЎзА мухбирлари.



Журналистлар билан суҳбат пайти.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ҲАҚИҚАТДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ «ТРУД» ГАЗЕТАСИ МУХБИРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРДИ

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, аввалги, Янги йил олдидан суҳбатда миллатлараро ва ижтимоий тотувликни сақлаб қолишни ўзингиз учун бош вазифа деб ҳисоблашингизни таъкидлаган эдингиз. Чамаси, айни шу сабабли Ўзбекистонда, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг бошқа минтақаларидан фарқли равишда, «қонталаш жойлар», қонли можаролар бўлмади. Сизнингча, ўтган йил республика учун яна нималар билан аҳамиятлидир?

— Аввало, шуни таъкидламоқчиманки, мустақил Ўзбекистондаги тинчлик ва осойишталик ҳаётимизда қарор топаётган воқеликдир, бу ерда яшовчи одамлар буни англаб олдилар ва тинчлик ҳамда осойишталик бузилиши қандай фожиали оқибатларга олиб боришини биладилар. Айниқса, «қонталаш жойлар» деб аталган жойлардаги бошига фожиа тушган кишиларнинг азоб-уқубатларини эътиборга олсак, тинчлик ва тотувликнинг бузилиши оқибатлари ҳаммага равшан бўлади. Минтақадаги барқарорлик, жамоат тотувлиги Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига асосланган ижтимоий адолат жамиятини барпо этиш йўлига содиқлигининг ишончли далилидир.

Бутун масъулиятни зиммага олиб шуни айтаманки, биз қабул қилган қонунлар ёки ҳужжатларнинг бирортаси ҳам миллати, дини ва эътиқодидан қатъи назар, одамларнинг фуқаролик ҳуқуқларини камситмайди. Яқинда бизда қабул қилинган Конституция давлатнинг ана шу воқеликларини тасдиқлади. Ўзбекистон сиёсий барқарорликни, фуқаролар бирлиги ва миллатлараро тотувликни сақлаб қолсагина, фундаментализм ва мутаассиблик ҳар қандай кўринишларининг тазйиқига йўл қўймасагина жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўринни эгаллашига ишонаман.

— Сизнингча, шу кундаги асосий вазифа нималардан иборат?

— Ҳозир биз учун энг асосий вазифа янгиланган жамиятни вужудга келтиришдан, бошланган ислоҳотларни чуқурлаштиришдан иборат. Бизнинг қатъий фикримиз шуки, ўтиш даврида ислоҳотлар «тўлқинлар иродаси»га бўйсунмаслиги керак. Давлатнинг, ҳукуматнинг ўзи асосий ислоҳотчи бўлиши лозим. Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг ҳар бир босқичидаги устивор йўналишларни ва изчилликни давлатнинг ўзи белгилаши керак.

Биз ўтказаётган сиёсатнинг моҳияти ва мазмуни шундан иборатки, маърифий бозор муносабатлари инқилобий вайроналарсиз, аҳоли кенг табақалари учун хатарли бош-бошдоқликсиз, сакрашларсиз ва «шок терапия»сиз тадрижий йўл билан вужудга келиши лозим. Ислоҳотлар пировард натижада одамларнинг манфаатларига мос бўлиб тушса, одамлар бундай ислоҳотларни тушуниб етадилар ва қўллаб-қувватлайдилар. Шу боисдан ҳозирги пайтда минтақамизнинг нуфус хусусиятлари ҳисобга олинса, биринчи навбатда одамларни ижтимоий ҳимоялаш чоралари зарур. Давлат, жамият ўзи барпо бўлаётган бундай қийин ва масъулиятли даврда халқни ҳимоя қилишга қодир бўлмаса, ундай давлат ва жамиятни инсонпарвар деб бўлмайди. Чунки бозор муносабатларининг ўзи асосий мақсад эмаслигини, балки ўзини оқлаган тизим эканлигини, халқнинг муносиб турмуши ва фаровонлигини таъминлаш воситаси эканлигини тушунамиз.

Тарихий нуқтаи назардан қараганда бир йил бир дақиқа, холос. Лекин шу йилда жуда кўп муҳим воқеалар бўлдики, бошқа вақтларда бундай воқеалар юз бериши учун ўнлаб йиллар керак бўларди. Одамларнинг миллий ўзини англаши ва шу билан бир пайтда фуқаро сифатида тутган йўллари ва масъулияти кучайиб бормоқда, халқнинг маънавий бойликлари, анъаналари тикланмоқда ва ривожланмоқда.

Республика мустақил давлатга айланди, жаҳондаги 130 га яқин давлат бизни тан олди. Ҳозир Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг, шунингдек, кўпгина нуфузли халқаро ташкилотларнинг тўла ҳуқуқли аъзосидир. Жаҳон ҳўжалигининг хилма-хил тузил алари билан ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни йўлга қўйиш жараёни жадал кечмоқда. Ўзбекистонда ресурсларнинг кўплиги, барқарор ижтимоий-сиёсий вазият ҳамкорларимизни жалб этмоқда.

Ўзбекистон дўстларимиз ва барча яхши ниятли кишилар учун очиқдир. Биз жаҳондаги барча мамлакатлар билан шерик бўлиш ва ҳамкорлик қилишни, бир-бирининг ички ишларига аралашмасликни миллатлар ҳамжамияти билан алоқаларни янада мустаҳкамлашнинг, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун қулай шарт-шароит яратишнинг гарови деб биламиз.

Суҳбатдош Г. БИРЮКОВ.

Мамлакат Президентига мактублар

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ ВА УМИД

— Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Жонажон жумҳуриятимиз ўз мустақиллигининг иккинчи йилига қадам қўйди. Юртимизни бутун жаҳон тан олди. Биз билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлаётган мамлакатлар кун сайин ортиб боряпти. Бу йил кўплаб Шарқ мамлакатлари билан алоқаларимиз, қадимий «Ипак йўли» тиклана бошланди. Туркия, Эрон, Покистон, Афғонистон, Саудия Арабистони, Миср Араб Республикаси каби азалий қондош ва жондош бўлган мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорлик ишлари бошланиб кетди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилиндик. Давлатимиз ўз қонуни, мадҳияси, нишони ва байроқларига эга бўлди.

Қадимий Туркистон юрти дунёга юз тута бошлади. Элимизда тинчлик барқарор бўлиб, халқимизнинг кам таъминланган қисмига енгилликлар яратиляпти. Биз бир йил мобайнида кўплаб мамлакатларнинг ўнлаб йиллар мобайнида босиб ўтган йўлларини босиб ўтдик. Халқимиз келажакка ишонч ва умид билан қараяпти. Ўлкамизнинг келгуси эгалари бўладиган, юксак билим ва замонавий фан, техникани эгаллайдиган бўлғуси мутахассисларимизга ойдин йўллар очилди.

Бу ўзгаришларнинг устида Сиз ва сиз бошчилик қилаётган юртимизнинг жонкуяр, ишончли раҳбарлари турибди. Биз Чилонзор райони меҳнаткашлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, маҳаллаларимизнинг мўътабар отахон ва онахонлари Сизнинг амалга ошираётган ана шундай улкан ишингизда куч-ғайрат, саломатлик тилаймиз.

Оллоҳ доим Сизга ёр бўлсин!

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ ФАОЛЛАРИ НОМИДАН:

А. АБДУЛЛАЕВ, Дўмбробод маҳалла қўмитасининг раиси; Ю. БАҲРОМОВ, Катта Қозиробод маҳалла қўмитасининг раиси; Ғ. КАРИМОВ, Лутфий маҳалла қўмитасининг раиси; О. МУТАЛОВ, Чилонзор маҳалла қўмитасининг раиси; М. ҲАКИМОВ, 2-Қатортол маҳалла қўмитасининг раиси; Б. ТЎЛАГАНОВ, Тинчлик маҳалла қўмитасининг раиси; О. АҲМЕДОВ, 2-Қизил Шарқ маҳалла қўмитасининг раиси; А. МУМИНОВ, 1-Чарх-Камолон маҳалла қўмитасининг раиси; И. ИСРОИЛОВ, Хайробод маҳалла қўмитасининг раиси; Т. СОБИРОВ, 1-Қатортол маҳалла қўмитасининг раиси; А. АЛИЕВ, Чилонзор тумани ҳокими.

УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ЖАМҒАРМАСИ КЎРИК ТАНЛОВИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА

МАКТУБ

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Мамлакатимиз мустақил бўлгандан буёнги ўтган давр биз ёшлар учун оламшумул янгиликлар йили бўлди. Бунда айниқса, сизнинг хизматингиз алоҳидадир.

Биз, ёш авлод сиз сингари меҳрибон мураббийга ҳамиша муштоқмиз. Илоҳим, юртимизда ҳамиша тинчлик бўлсин, сиздек халқимизнинг осойишталигини, фаровон турмушини ўйлайдиган инсонлар омон бўлишсин.

Биз сизга ваъда бериб айтамизки, мустақил мамлакатимиз учун имкониятимиз борича барча хайрли ишларни қилишга ёшлар жон дилини фидо қилишга тайёр.

Шу йўлда бобомиз Мирзо Улуғбек номидаги истеъдодли ёшларни қўллаш Республика жамғармаси алоҳида жонкуярлик кўрсатишга ҳамиша камарбастадир.

Янги йил, сиз айтганингиздек, янги мақсадлар йили бўлсин. Буюк боболаримизга ҳавас қилганлар ҳамиша бизга ҳам ҳавас қилишсин.

Улуғбек номли истеъдодли ёшларни қўллаш Ўзбекистон Республикаси жамғармаси кўрик-танлови қатнашчилари.

БИР ГРУППА ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРНИНГ ТЕНГДОШЛАРИГА

мурожаатномаси

Азиз тенгдошлар!

Она Ватанимиз Ўзбекистонининг мустақил одим отаётганига ҳам бир йилдан ошди. Бу вақт халқ ва миллат, Ватан ва Она тупроқ тарихида олтин ҳарфлар билан битиладиган даврдир. Ота боболаримиз эркинлик ва мустақиллик йўлида озмунча қурбонлар беришдими. [Уларнинг руҳлари шод бўлсин!]

Шукурлар бўлсинким, Ватан ва халқнинг озод кунларини кўрмоқ, асрий орзу-армонларнинг ушалишидан баҳраманд бўлмоқ бизга насиб этди.

Демак, биз бу кунларнинг қадрига етмоғимиз, мустақиллигимизни авайлаб асрамоғимиз керак.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг ёшларга алоҳида меҳр билан эътибор бераётганликлари бизга ғайрат ва шижоат бағишлайди.

Ҳа, биз мустақилликка эришдик,энди эса биздан давр ва айни тарихий жараён бирбиримизга ҳамкорликни, машаққатли ижодий изланишларни, Ватан ва халқ истиқболи йўлида фидойиликни, жумҳурият тараққиёти ва осойишталиги учун қўлимиздан келгунча ҳисса қўшишимизни талаб этади. Жўшқин ижодимиз, ҳалол меҳнатимиз ҳар бир сўзимиз-у ҳар бир ҳаракатимиз Ватанимиз учун бўлсин.

Бу Ватанни ўз Онамиз ва ўз Отамиз каби севайлик. Биз шундай меҳнат қилайликки, шундай ижод қилайликки, токи бизнинг Ўзбекистонимиз ҳам дунё миқёсида энг юксак ўринлардан бирида турадиган буюк мамлакатга айлансин. Шуни унутмаслигимиз керакки, Ватан ва халқ истиқболи учун қилинадиган меҳнат ва ижоддан кўра шарафлироқ иш йўқдир.

Биз Ватан учун яшашни ўрганайлик. Шундагина юртимизнинг истиқболи янада нурли бўлади.

Азиз тенгдошлар! Бизни ёруғ манзиллар кутяпти. Келинглар, шу манзилга соғомон, ёруғ юз билан етиб боришимиз учун бир биримизга ҳамжиҳат, камарбаста бўлайлик, қўлни қўлга бериб, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлайлик.

Биз улуғ йўл бошида, улуғ бир халқнинг авлодимиз. Бу қутлуғ йўлдан бориш учун, Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашайлик.

Ушбу мурожаатнома Улуғбек номли истеъдодли ёшларни қўллаш Ўзбекистон Республикаси Жамғармаси кўрик-танлови якуний йиғилишида қабул қилинди.

ДОНО РАҲБАР — ЧИН ПАДАР

Халқимиз бу мақолни беҳудага тўқиб чиқармаган. 1991 йили республикада ўтказилган умумхалқ сайлови туфайли И. А. Каримов Ўзбекистон Президенти этиб сайлангач, элнинг чин падарига айланди.

Барча минтақаларда бозор иқтисодиётига кўчиш машаққатлари оғир ижтимоий оқибатларга олиб келаётган бир пайтда Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурмоқда. Зероки, президентимиз ҳар кун, ҳар соат халқнинг оғирини енгил қилиш, мушкулини осон қилиш ташвиши билан яшайди.

Доно раҳбаримизга садоқатни биз амалий ишлар билан ифода этяпмиз. Катта қийинчиликларга қарамасдан пахта топшириш йиллик режасини уддаладик. Хусусан, мен бошчилик қилган бригада ҳар гектардан 42 центнердан зиёд ҳосил етиштирди.

Кейинги йилларда хўжалигимизда замонавий ғишт ва консерва заводлари қурилди. Ҳозир мой заводи, шифер ишлаб чиқариш цехи ва бошқа корхоналар тармоғини кенгайтирямиз. Районимизнинг барча хўжаликлари, вилоятимизнинг барча меҳнат жамоалари шу кунларда ислоҳотчилик ишқи билан, келажакка ишонч билан яшамоқдалар.

Рўзиқул БОБОЕВ,
Бухоро районидаги «Янги турмуш» жамоа хўжалиги бригада бошлиғи.

ҒУРУР

Халқ ўзининг билимдон, меҳнаткаш, уддабурон фарзандлари билан ҳамиша фахрланиб юрган. Аслида ҳам халқни эл-юртга танитадиган, уни машҳур этадиган алоҳида истеъдодли кишилари бўлади. Улар—хоҳ чавандоз, хоҳ олим, хоҳ шоир, хоҳ раҳбар бўлсин — ҳаммаси эл кўз ўнгида фаолият кўрсатади. Чавандоз маррага биринчи бўлиб борса, соврин беришдан олдин қайси юрт ўғлони деб сўралади. Олим кашфиёти, шоирнинг шеъри, раҳбарнинг элпарварлиги ҳақида ҳам шундай мулоҳазалар айтиш мумкин.

Буюк деб мақтаб юрганимиз Иттифоқ тарқаб кетгач, Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат деб эълон қилинди. Рост гап, ўшанда ёши улуғ кишилар қувонган, кўзига ёш олганини ўз кўзим билан кўрганман. Бу кишилар мустамлака зулмини кўрган кишилар эди. Республиканинг биринчи Президенти сайланганда ҳам ўшалар дастлаб овоз берганларига ишонаман.

Мана, ошкоралик қоидаларига қатъий амал қилинган тартибда умумхалқ сайлови ўтказилганига ҳам бир йил тўлди. Тарих учун бир йил ҳеч гап эмас. Ўзбекистонда президентлик бошқаруви ва вилоят, шаҳар, районларда ҳокимлик тизими қарор топганидан буён ўтган қисқа фурсатда жумҳуриятимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида асрларга тенг иш қилинганидан кўз юмолмаймиз.

Бунга мисолми? Мустақилликка эришганимизнинг ўзи бир ғурур. Президентлик бошқаруви туфайли тинч осойишта яшаётганимиз катта бир ғурур бахш этади. Мамлакатимиздаги сиёсий барқарорлик чет эл сармоялари Ўзбекистонда кўпроқ жойлаштирилишига илҳақликни оширмоқда. Жаҳондаги ман-ман деган фирмалар, корпорациялар Ўзбекистонда қўшма корхоналар очиб, ўзаро манфаатдорликка асосланган алоқаларни кенгайтиришга интилмоқдалар.

Буларнинг ҳаммаси учун Президентимиз Ислом Каримовга минг бор миннатдорчилик билдирамиз. Чунки Президентимиз ички-ташқи сиёсатни оқилона йўлга қўйиб, республикамизни ойдин истиқбол сари етаклаб боришда жафокаш юртбоши бўлиб турибди. Бошингиз омон бўлсин, Ислом Каримов!

Шукрулло ИЎЛДОШЕВ.
академик, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби.



ХАЙРЛИ ИШ

Ўрта асрларда бу қадим тупроқда ҳунармандчилик анча равнақ топган эди. XX аср бўхроилари таъсирими ё эътиборсизлик сабабми, бу соҳанинг кўп турлари таназзулга юз тутди. Хайриятки, Андижон вилоятининг маиший «Техсоз» фирмаси хайрли ишга қўл урди.

Фирма ҳозирда беш юздан ортиқ турли касбдаги ҳунармандларни бағрига олди. Фирмада уй-рўзғор анжомлари устасидан тортиб заргар-у, эгарсозгача борлиги буюртмачиларга қўл келмоқда. Энди чавандоз отига эгар қидириб бошқа қишлоққа бориб, овора бўлмайди.

Суратларда: 1. Заргар Содиқжон Зокиров 22 йилдирки баҳоли қудрат ота ҳунарини давом эттирмоқда. Шу аснода йигирмадан ортиқ шогирд ҳам тайёрлади. 2. Одина Абдуллахўжаева тайёрланган маҳсулотни намойиш қилмоқда. 3. Темирчи уста Неъматжон Нуриддиновни вилоятда танимаган одам йўқ, десак унча муболаға бўлмайди. Узоқ йиллардан буён Неъматжон аканинг ризқи шундан. Уста шогирдлари [ўнгдан] Каримжон Шодмонов ва Маъруф Тиллабоевлар билан иш устида.

Ш. ОЛИМОВ суратлари. [ЎзА].

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёнилғи, энергия манбалари, техника ва ускуналарга харажатлар муттасил ошиб бораётган шароитда республика шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташийдиган транспортнинг барқарор ишлаши учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида «Шаҳар ва шаҳар атрофи автотранспортида йўловчилар ташиш тарифлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу қарорга мувофиқ метро, трамвай, троллейбус ва автобусларда йўл ҳақи 1993 йил 5 январдан бошлаб 3 сўм миқдорида белгиланди.

Шаҳар атрофи йўловчилар ташийдиган автомобилларида амалдаги йўл ҳақлари тарифининг энг юқори миқдори ҳам шу йил 5 январдан бошлаб 1,5 баравар ошади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ аҳолининг айрим тоифаларига шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш автомобиль транспортида юриш учун берилган за ҳозир амал қилиб турган имтиёзлар сақлаб қолинади.

Сўнгги вақтда электр энергия, ёнилғи, техника, асбобускуналар ва эҳтиёт қисмлар нархи беҳад ошиб кетганлиги натижасида республика йўловчиларни ташийдиган транспорт корхоналарининг иши қийинлашди.

Масалан, битта автобуснинг қиймати 102 баравар, такси учун фойдаланиладиган битта енгил автомобиль қиймати 750 баравар, бир тонна бензин — 210 баравар, бир киловатт электр энергия — 20 баравар, автомобиль шиналарининг битта комплекти қиймати 410 баравар ошди.

Ўтган йили бир йўловчининг жамоат транспортида бир марта юриши учун Давлат бюджетидан қўшимча равишда ўртача 4 сўм 28 тийин сарфланган бўлса, 1993 йилда харажатлар кўпайганлиги сабабли давлат ана шу мақсадга қўшимча равишда 4 сўм 65 тийин ажратмоқда.

Аҳолининг камбағал тоифаларини, айниқса, пенсионерлар, талабалар ва мактаб ўқувчиларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида республика ҳукумати шаҳар ва шаҳар атрофи жамоат транспортида юриш қийматининг қатъий миқдорини белгилаб қўйди. Масалан, мактаб ўқувчиси автобусда юриш учун 40 сўмга имтиёзли карточка сотиб олган бўлса, у 80 сўм миқдорида имтиёз олган бўладди, эндиликда у 60 сўмга автобус карточкасини сотиб олса, 90 сўм имтиёз олган бўлади.

Олий ўқув юртларининг талабалари жамоат транспортининг уч турида юриш учун қиймати 66 сўмлик карточкани сотиб олиб, 204 сўм миқдорида имтиёз олган бўлсалар, эндиликда қиймати 99 сўмлик карточкани сотиб олиб, 306 сўм миқдорида имтиёз олган бўладилар.

Пенсионерлар хусусида ҳам худди шундай. Улар жамоат транспортининг уч турида юриш учун қиймати 94 сўмлик бир ойлик карточкани сотиб олиб, 236 сўм миқдорида имтиёз олган бўлсалар, эндиликда 141 сўмга бир ойлик карточкаларни сотиб олиб, 354 сўм миқдорида имтиёз оладилар.

Қарорда таъкидланганидек, йўловчиларнинг айрим тоифалари, жумладан, Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар ва бошқа айрим тоифадаги йўловчиларнинг пассажир транспортида бепул юришлари сақлаб қолинади.

Транспортда текин ва имтиёзли юриш билан боғлиқ харажатлар 1 миллиард 101 миллион сўмни ташкил этади. 1993 йилда жамоат транспортининг зарарини қоплаш учун давлат 10,5 миллиард сўм ажратиши кўзда тутилмоқда.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ШАРҲ

ТРОЛЛЕЙБУС, ВАҚТ, ЙЎЛОВЧИ

Троллейбус экологик жиҳатдан тоза, шовқин-суронсиз ҳаракат қиладиган ва анча қулайликка эга шаҳар транспорти туларидан биридир. Троллейбус ҳаракати республика пойтахти Тошкентдан ташқари Олмалиқ, Андижон, Бухоро, Наманган, Нукус, Самарқанд ва Фарғонада йўлга қўйилган. Мазкур шаҳарларда ўтган йили қарийб 70 миллион йўловчи троллейбусларда ташилган. Барча йирик шаҳарлар троллейбуслар ҳаракатини йўлга қўйишдан манфаатдордир.

Қарши шаҳрида троллейбус депоси қурилиши бошлаб юборилди. Урганч, Қўқон шаҳарларида троллейбус хўжалигини лойиҳалаштириш ишлари олиб бориляпти. Жиззах ва Навоий шаҳарларида уларни лойиҳалаштириш кўзда тутилган. Маблағларнинг етишмаслиги ҳозирча бу ишларнинг авж олишига тўсқинлик қилмоқда. Асосан шу сабабга кўра Фарғона, Андижон, Наманган ва Олмалиқ шаҳларида троллейбус линияларини янада кўпайтириш ишлари тўхтатиб қўйилди.

Айни пайтда шаҳар электр транспорти иқтисодиёти жуда кўп йиллардан бери зарар кўрмоқда. Электр транспорти корхоналарида рентабеллик ва фондлар самарадорлиги пасайиб бораяпти. Йўловчиларни ташиш таннархи ошгандан ошаяпти. Чунки, моддий-техникавий ва энергетика ресурсларининг нархи кескин ўсмоқда. Шу сабабли шаҳар электр транспортининг барча корхоналари зарар келтириб, республика бюджетидан дотация олади. Шаҳар электр транспортида бир нафар йўловчини ташиш (Тошкент шаҳрини ҳисобламаганда) 1992 йил ноябрида ўртача 10 сўм 70 тийинни ташкил қилди. Йўловчилар эса 2 сўм тўлашади, холос. Хуллас, троллейбусларни сақлаш ва улардан фойдаланишнинг асосий оғирлиги бюджетга тушмоқда.

Троллейбус хўжаликлари иш фаолиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида уларнинг молиявий аҳволи янада оғирлашади. Чунки ҳаракат составининг, электр энергияси, эҳтиёт қисмлар, ёнилғи-мойлаш материалларининг нархи бир неча марта кўтарилди. Масалан, битта троллейбуснинг нархи 400, бир киловатт-соат энергиясининг нархи 20, автомобиль шиналарининг битта комплекти 410 баравар ошди.

Ҳаракат составининг, кучланишли подстанциялар, контакт линияларининг аҳволи, шунингдек, троллейбус паркларининг технология жиҳозлари ва таъмирлаш асбоб-ускуналари билан қуролланиши техник талабларга жавоб бермайди. Бунга моддий-техника ресурсларини сотиб олиш ҳамда асосий воситаларни тубдан таъмирлаш ва реконструкциялаш учун керакли маблағлар йўқлиги сабабдир. Гап шундаки, троллейбус хўжаликларини маблағ билан таъминлаш одатда қилинган сарф-харажатларга қараб амалга оширилаяпти. Аслида эса бу иш келажакни кўзлаб, олдинда кутилаётган сарф-харажатларнинг ошишига қараб бўлиши керак.

Троллейбус хўжалиги корхоналари, ҳокимликлар Ўзбекистон Республикаси Уй-жой, коммунал хўжалик вазирлиги хўжалик фаолиятини яхшилаш учун ички резервлардан фойдаланишга интилмоқдалар. Самарқанд ва Бухорода троллейбуслардан фойдаланишнинг ижара усуллари жорий қилинмоқда. Моддий манфаатдорликни ошириш ва иқтисодий таҳлиллар асосида янада самаралироқ ишлаш йўллари қидирилмоқда. Шаҳар транспортида чипта олмай юришга интилаётган «қуёнлар»ларга нисбатан жамоатчилик таъсирини кучайтириш учун бир қатор тадбирлар кўриляпти.

Шубҳасиз, моддий-техникавий ва молиявий воситалар тақчиллигидек мураккаб шароитларда ҳам биз йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, транспорт ҳаракати графигига қатъий риоя этишни таъминлаш, троллейбус салонларини кўнгилдагидек сақлаш йўловчилар билан хушмуомалада бўлиш учун барча чора-тадбирларни кўришимиз керак. Вазирлик, ҳокимликлар, корхоналарнинг раҳбарлари ҳайдовчиларга керакли меҳнат ва маиший турмуш шароитларини яратиб беришлари зарур. Негаки, аҳолининг кайфияти уларнинг қандай ишлашларига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Яна бир муаммо бор. Биз троллейбусларни, уларнинг эҳтиёт қисмларини Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги шаҳарлардан сотиб оламиз ва машиналарни шу ерларда капитал ремонтдан чиқарамиз. Шу мақсадларга кетадиган сарф-харажатлар кейинги даврда ўнлаб, юзлаб марта ошди. Бу сарф-харажатлар, табиийки, йўловчилар ташиш таннархига салбий таъсир ўтказаяпти. Уларни камайтиришнинг бир йўли ҳозир Тошкент шаҳрида қурилиш бошлаб юборилган троллейбус ремонти заводини тезроқ ишга туширишдан иборатдир. Бироқ, яна маблағлар етишмаслиги туфайли қурилиш жуда секинлик билан давом этмоқда. Йўловчиларни троллейбусларда ташиш истиқболи эса уларни капитал ремонт қилиш сифатини тубдан оширишни, зарур базани вужудга келтиришни ва кейинчалик ўз машиналаримизни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни талаб қиляпти.

1993 йил 5 январдан бошлаб метро, трамвай, троллейбус ва автобусларда йўл ҳақи 3 сўм қилиб белгиланди. Бунда ҳозирги пайтда йўловчи транспортида аҳолининг муаяйн тоифалари учун белгиланган имтиёзлар сақланиб қолади.

Бироқ, нарх-навонинг кескин ошиб бораётганлиги оқибатида шаҳар электр транспортида йўловчи ташиш таннархи бир киши ҳисобига шу йилнинг биринчи кварталидаёқ 14—15 сўмни ташкил этади. Демак, яна ҳозиргидан кўра кўпроқ бир неча миллион сўмдан иборат дотация ажратиш зарур бўлиб қолади. Табиийки бу нарса чексиз-ҳадсиз бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, ҳукумат бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан кетма-кет зарур тадбирларни амалга оширмоқда. Президентнинг 1993 йил 1 январдан бошлаб энг кам маошларни, нафақалар ва стипендияларни ошириш ҳақида Янги йил арафасида чиқарган Фармони шундан далолат беради. Бу, аҳолининг тарифлар оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлари ўрнини анча қоплайди.

В. МИХАЙЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси уй-жой-коммунал хўжалиги вазири.

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ МОСКВАДАГИ ЖАМОАТЧИ МУХБИРИ **ФАХРИДДИН ПАРПИЕВ** ХАБАР ҚИЛАДИ.

Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонасида Россия ва чет эл матбуот ходимлари, агентликлари, телевидение ва радио намояндалари иштирокида мустақил давлатимизнинг биринчи Конституцияси муҳокамасига бағишланган матбуот брифинги бўлиб ўтди. Мақсад—Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясини республикадан ташқарида ҳам кенг тарғиб қилиш, Россия матбуот аҳли ўртасида Ўзбекистонга, унинг ташқи ва ички сиёсати, қўлга киритаётган ютуқлари ҳамда муаммолари, тараққиёт йўлини тўғри талқин қилиш, жумҳурият ҳаётида юз бераётган ўзгаришларни холисона ёритиш, шошма-шошарлик билан ён босишлар, асоссиз «жар» солишларнинг олдини олишдан иборат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

ТОШКЕНТ-1992

ЎЗБЕК ҚОМУСИГА КАТТА ҚИЗИҚИШ

Йиғилишда «Московская правда», «Вечерная Москва», «Деловой мир», «Независимая газета», «Юридическая газета» газеталари, «Деловая жизнь» журнали вакиллари, «Останкино» ва «Россия» телерадиокомпанияси, «Маяк» ва «Свобода» радиолари журналистлари, Россиянинг «Итар-ТАСС», «РИА», «Интерфакс», Туркиянинг «Анотолиское агентство», Эроннинг «ИРНА», Ҳиндистоннинг «ПТИ», Миср Араб Республикасининг «МЕНА» агентликлари ҳамда Туркиянинг «Миллиёт», Ҳиндистоннинг «Таймсофинда», Покистоннинг «Муслим» ва бошқа чет эл ахборот агентликлари ходимлари қатнашдилар.

Брифингни Ўзбекистоннинг Россиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юсуф Абдуллаев очиб, «Рождество» ва Янги йил байрамлари билан қутлади. Сўнг уларга ҳаётимизнинг асосий Қонуни яратилиши, уни тайёрлаш жараёни, икки йиллик тинимсиз иш ва икки ярим ойдан ортиқроқ давр ичида давом этган умумхалқ муҳокамаси хусусида гапириб берди.

Шундан кейин Ю. Абдуллаев журналистларнинг саволларига жавоб берди. Саволлар биринчи Конституциянинг муҳокамаси пайтида киритилган ўзгаришлар, фуқаролик, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда Тожикистонга ёрдам масалаларига оид эди.

Жумладан, Миср Араб Республикасининг «МЕНА» агентлигининг Москвадаги бюроси мудири доктор Мандух Мустафо мустақил Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлиги билан ўзбек халқига, шахсан Президентга самимий дил сўзларини айтди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур матбуот брифинги элчихона ташкил қилингандан буён Ўзбекистонимизнинг муҳим саналарига бағишланиб, бу ерда ўтказилган учинчи тадбирдир. Уни ташкил қилиш ва ўтказиш ишида матбуот марказ билан биргаликда элчихонанинг барча ходимлари фаол қатнашдилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИДА

Маълумки, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини амалда намоён қиладиган ва рўёбга чиқарадиган ташкилий тузилмалар қаторида Республика Президентининг 1992 йил 31 март фармонига мувофиқ Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида олий аттестация комиссияси (ОАК) тузилган эди.

Республикамиз ўзининг олий аттестация комиссиясига эга бўлиши — илмий ва маданий ҳаётимизда катта воқеадир, чунки қадимий илмий анъана ва улкан илмий салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистондек мустақил давлат эндиликда ўзининг юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрларининг илмий, илмий-тадқиқот ишларига ўзи баҳо бериб, уларга илмий даража ва илмий унвонлар берадиган бўлди.

Куни кеча ОАК президиумининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда илк бор Ўзбекистон Республикасидаги қатор олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ходимларига илмий даража ва илмий унвонлар бериш масаласи кўриб чиқилди. Маълумки, яқингача Ўзбекистон фуқаролари бундай даража ва унвонларни олиш учун Москвага мурожаат қилар эдилар. Эндиликда Ўзбекистонда ОАК тузилгандан сўнг республикамиз илм аҳли қулай имкониятларга эга бўлди.

Олий Аттестация комиссияси президиумининг мазкур йиғилишида бир гуруҳ тадқиқотчи ва олимларга илмий даража ҳамда илмий унвонлар бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ОАК президиуми йиғилишида, шунингдек 10 га яқин ихтисослашган илмий кенгаш тасдиқланди ҳамда уларда докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинишига рухсат берилди.

ТАРМОҚДА ПЕШҚАДАМ, ЭЛДА НУФУЗЛИ

• Хоразмда уни танимайдиган, ҳеч бўлмаса номини эшитмаган одам кам, десак муболаға бўлмас. Тўй-ҳашамларда, маърака-зиёфатларда, турли анжуманларда унга даврларнинг тўрдан ўрин беришади, ҳурматини жойига қўйиб қадрлашади. Мен бу ўринда воҳа чорвачилигини юксалтириш жабҳасида узоқ йиллардан буён самарали хизмат қилиб, тармоқ самарадорлигини оширишдек хайрли ишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган элдошларимиздан бири, тажрибали иқтисодиёт ходими Ибодулла Сафоевни назарда тутмоқдаман.

Хива районининг Саёт қишлоғида туғилиб вояга етган Ибодулла ака ёшликдан ҳисоб-китобга уста эди. Шу боис уни дастлаб 1938 йилда қишлоқдаги хўжаликларидан бирига ҳисобчиликка таклиф этишди. У 1944 йилгача шу хўжаликда, 1944 йилдан 1950 йилгача Туркманистоннинг қўшсув идорасида, 1950—1954 йилларда Урганч нодиҳиясига қарашли Жалолиддин Мангуберди (собиқ Ка-(собиқ Чапаев номли) жамоа хўжаликларида ҳисобчи ва йўриқчи-ҳисобчи бўлиб ишлади. 1954 йилдан 1960 йилгача Хива ноҳиясининг қишлоқ хўжалик техникаси [illegible] иноти идорасига раҳбарлик қилди. 1961 йилдан буён эса Урганч районининг бўрдоқичилик базаси мутасаддиларидан бири — Қизилжар молларни ўстириш ва бўрдоқига боқиш пункти директори. У тармоқ вазирлигининг кўпгина мукофотлари соҳиби. Ибодулла Сафоев Ўзбекистонимиз мустақиллигининг бир йиллигига муносабати билан жумҳуриятнинг фахрий ёрлиғига ҳам мушарраф бўлди. У саккиз нафар фарзанд, 40 га яқин невара-чеваранинг ардоқли отахони. Ўғил-қизларининг ҳаммаси олий маълумотли, турли касб мутахассисларидир.

Ибодулла ака раҳбарлик қилаётган пункт бўрдоқибоқарлари тармоқ пешқадамларидан ҳисобланади. Улар 1992 йилда яйловдаги «Қизилжар» ва «Дўстлик» совхозларидан 1500 бош молни боқиб семиртириш учун қабул қилишиб, пировардида давлатга 900 тонна ўрнига минг тонна гўшт етказиб беришди. Семиртириш ҳисобига олинган гўштнинг ўзи 320 тоннали тош босди. Шу билан бирга аҳолидан ҳам 260 тонна гўшт харид қилиниб, эл дастурхонига тортиқ этилди. Умуман, пункт жамоаси ҳар бош қорамолни 260—270 килограмм оғирликда қабул қилиб, ўртача 350 килограмм тош босадиган вазнга етказилгандан кейингина сўқимга топширишмоқда. Самарали меҳнат жамоа ғазнасига ҳар йили катта миқдорда иқтисодий фойда келтирмоқда.

Пункт чорвадорлари айни кунларда 1200 бош қорамолни бўрдоқига боқиб семиртиришяпти. Уларнинг қишлови учун барвақт тайёргарлик кўрилган, молхоналар сифатли таъмирланиб, икки минг тоннадан ортиқ ем-хашак, 600 тоннадан ортиқ чигит пўчоғи, 1500 тоннадан ортиқ шелуха, 200 тоннадан зиёд кунжара тайёрлаб қўйилган эди. Бўрдоқибоқарлар ихтиёрига тунов куни тағин анча миқдорда кунжара ва шелуха жўнатилди. Эришилаётган муваффақиятларда Умрзоқ Искандаров, Бекбўсин Қўшмуродов, Шамки Таубоева, Аҳмад Савоев сингари молбоқарларнинг муносиб улуши бор.

Пункт бўрдоқибоқарлари, Ибодулла Сафоевнинг юзлаб ёр-биродарлари тунов куни унинг етмиш йиллигини шодҳуррамлик билан муборакбод этишди. Бу қутлуғ сана нишонланган оқшомда воҳанинг таниқли хонандаю гўяндалари билан бирга Тожикистондан атайлаб ташриф буюрган машҳур санъаткор Жўрабек Муродов ҳам иштирок этиб, ўзининг дилрабо қўшиқлари билан даврага файз киритди. Юбилей соҳибини Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари Қ. Сафоев самимий табриклади.

Эркин МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКНИНГ ФОЙДАСИ

Автомобиль йўлларини қуриш, ремонт қилиш ва фойдаланиш Задарё район бошқармасининг ходимлари янги йил арафасида 25 тоннадан ортиқ гуруч олдилар.

Ёрдамчи хўжаликда етиштирилган шоли оқланиб, ходимларга жуда арзон баҳода — килограмми саккиз сўмдан сотилди. Ҳолбуки ҳозир бозорда гуруч нархи юз сўмдан ошиб кетди.... Хуллас янги йил арафасида бошқарманинг ҳар бир ходими уч қоп сара гуруч олди.

(ЎзА).

• ҚУТЛОВ

ҚАДАМИДАН ГУЛ УНГАН ИНСОН

Сермазмун ва маъноли кечган умрнинг ҳар бир соати, куни ҳисобсиз воқеаларга бой бўлади. Шундай яшаётган кишилар билан ишлаётганлар учун йиллар тез оққан сув каби ўтиб кетганини баъзан сезмай ҳам қоласан. Ҳамкасбимиз, дўстимиз ва устозимиз Нажим Ҳамроев ана шундай мазмундор умр эгасидир. Биз унинг дўстлари у кишини ҳамон ёш йигитдек ҳис қиламиз.

Шу кунларда сув муаммолари институтининг директори, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси ва Ўзбекистон Республикаси Халқ академиясининг академиги, техника фанлари доктори, профессор Нажим Раҳимович Ҳамроев таваллудига олтмиш йил, илмий ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолиятининг ўттиз беш йиллиги нишонланмоқда. Бу йиллар Ватан, эл, одамлар учун жон фидойилик, садоқат, меҳр-оқибат, ёшларга устозлик билан ўтказилган йиллардир. Ўша йиллар эсланганда дуч келинган муаммолар, ечилган масалалар, қурилган канал ва тўғонлар, ўзлаштирилган ерлар, суғориш учун чиқарилган сувлар, обод қилинган шаҳар ва қишлоқлар, баҳра олган одамлар кўз ўнгида намоён бўлади.

Нажим Раҳимович илк меҳнат фаолиятини 1958 йил «Ўзбекгидроэнергост р о й » трести техника ишлаб чиқариш бўлимининг муҳандиси вазифасидан бошлади. Бир йилдан сўнг катта ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган мутахассис шу трест бош муҳандиси, кейин Хишрау ГЭС қурилиши бошлиғи вазифасига кўтарилди. Бу қурилиш Нажим Ҳамроев ҳаётида бурилиш нуқтаси бўлди. Шу ерда ўзининг етук мутахассис, узоқни кўра оладиган яхши фикрловчи ва билимдон эканлигини кўрсатди. Хишрау ГЭСи 1960 йилда муваффақиятли ишга туширилди. Шундан сўнг Нажим Раҳимович Ўзбекистон Министрлар Советининг қурилиш бўлимига катта референт вазифасига таклиф қилинди.

Тиниб-тинчимас Нажим Ҳамроев ўзининг бой тажрибасини эришилган ютуқлардан мағрурланмасдан сарфлашга қаратди.

1962 йил июндан бошлаб 29 ёшли Н. Ҳамроев Бухоро ижрокоми муовини лавозимига сайланди. Шу даврда Аму-Бухоро канали қурилиши бошланди ва у мазкур қурилишга бошчилик қила бошлади. 1965 йилда Аму-Бухоро канали фойдаланишга топширилди. Шундан кейин Ўзбекистон Сув хўжалиги қурилиши Бош бошқармасига бошлиқ қилиб тайинланди. Нажим Раҳимович бошчилигидаги ташкилот йирик ва бетакрор ирригация қурилишларидан Катта Андижон канали Тош-Соқа канали бош иншооти, Шеробод канали насос-станцияси билан, Пачкамар, Каркидон, Жанубий Сурхон сув омборлари қурилди ва Туямўйин ва Андижон сув омборлари қурилиши бошланди.

1971 йил декабрдан то 1985 йилгача Н. Ҳамроев Ўрта Осиё ирригация ва совхоз қурилиши бош бошқармаси («Главсредазирсовхозстрой») бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатди. Бу бошқармада ишлаган даврида Нажим Раҳимовичнинг ишлаб чиқаришдаги фаолияти юқори даражасига етди. Муҳими шундаки, ҳаётий тажрибалар илмий ишларда ўз аксини топди. Шу йиллар ичида у докторлик диссертациясини ҳам ҳимоя қилди, 170 га яқин илмий мақолалар, 9 та монография, 30 га яқин ихтиролар яратди. Қатор фан номзодлари ва докторларини тарбиялаб етиштирди. У Россия Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг мухбир аъзосидир.

Ҳаёт шундай жозибали ва сеҳрлики, ҳар биримизнинг тақдиримиз қандайдир бошқа бир инсон ҳаётига, қолаверса тақдирига боғлиқ экан. Совуқ эсган шамол бу кишини ҳам четлаб ўтмади. Давлат ишини, илмий фаолиятини жон фидойилик билан бажараётган инсоннинг бирдан ҳамма вазифадан четлаштирилиши барчани довдиратиб қўйиши табиий. Шараф Рашидовичнинг эътиборида бўлиш гуноҳ ҳисобланган йиллар Нажим Раҳимович эгаллаб турган лавозимларидан бошқа ишларга ўтирилди. Бироқ том маънодаги иродали инсон ўзининг қатъийлигини намоён этди. Уни «синдириша олмади». У ўзи сочган эзгулик уруғларининг бир кун мева беришини билар эди. Ҳақиқат қарор топди. Тўқсонинчи йиллар Н. Ҳамроев яна меҳнат фаолиятини бошлади. Куч-қувватга тўла, ғайратшижоатли, ҳалол, ўзига ва атрофдагиларга ўта талабчан олим республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида хормай меҳнат қилаётир.

Бектош РАҲИМОВ,
Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи.

ПЛЕНУМ БЎЛИБ ЎТДИ

● Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сирдарё вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

Унда вилоят Кенгашининг таъсис конференциясидан кейинги давр мобайнида қилинган ишлар якуни ҳамда навбатдаги вазифалар ҳақидаги масала муҳокама этилди. Вилоят партия кенгашининг биринчи котиби С. Усмонов маъруза қилди.

Пленумда партия ҳаётидаги баъзи камчиликларга ҳам эътибор қаратилди. ХДП Шараф Рашидов райони кенгашининг биринчи котиби Д. Эшмоновнинг фикрича, партия фаолиятида танқид ва ўз-ўзини танқид етишмаётир. Янгиер шаҳар уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси Б. Зажицкий партия аъзоларининг учдан бир қисми аъзолик бадалларини вақтида тўламаётганликларини таъкидлаб ўтди. Бундай нуқсонларнинг илдизини жиддий ўрганиш ва тегишли чоралар кўриш лозим.

Пленумда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Абдужалил УМАРОВ,

• Янги нашрлар

Туркиянинг ўз йўлидаги иқтисодий муаммоларни ечишдаги тарихий тажрибаси, эркин ишбилармонлик, ишлаб чиқаришнинг жамланиши ва марказлашуви, чет элга мол чиқариш ҳажмини оширишнинг ўзига хос йўллари, аҳолиси, тили, дини, маданияти, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, ташқи сиёсати ҳақидаги саволларга «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Туркия» китобидан жавоб топиш мумкин.

ТУРКИЯГА ОИД ТАДҚИҚОТ

АНВАР ҚОСИМОВ



Унинг муаллифи шарқшунос олим. Тарих фанлари доктори, профессор. Тошкент Давлат шарқшунослик институти кафедраси мудири. Осиё ва Африканинг қатор давлатларида, жумладан Туркияда дипломатик ишларда узоқ йиллар хизмат қилган ва китобда ёзилган аксар воқеаларнинг шоҳиди Анвар Қосимов Маҳмуд ўғлидир. Мазкур қўлланма бир томондан Усмонлилар империяси замонларига хос белгиларни, иккинчи томондан сиёсий мустақилликни қўлга киритиб, миллий иқтисодиёт асосларини яратиш босқичидан аллақачонлар ўтган ва эндиликда саноатлаштириш йўлига кираётган ҳамда фан-техника инқилобига қўшилишга интилаётган Туркиянинг сиёсий тараққиёти босқичларини қамраб олган.

Узоқ муддатли стратегия Туркия иқтисодиётига эркин бозор қоидаларини жорий этишни, хўжаликни юксалтиришнинг энг таъсирчан омиллари бўлмиш экспорт тармоқларини устун даражада ривожлантиришни, иқтисодиётга давлат йўли билан аралашишнинг бир қанча шаклларини тўхтатиб қўйишни, хусусий капиталистик ишбилармонликни жадал ривожлантиришни, миллий иқтисодиётни жаҳон хўжалик тизимига кучлироқ жалб этишни назарда тутади. Туркия бир қанча халқаро молиявий ташкилотларга аъзо. Ҳозир мамлакатда олтмиштадан кўпроқ товар биржаси бор. Туркиянинг иқтисодий тараққиёти учун ташқи савдонинг аҳамияти [illegible]та. Ҳукуматнинг иқтисодий дастурига биноан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш чет элларга мол чиқариб сотишни жадаллаштиришни, мамлакатга хусусий хорижий сармояни кўпроқ жалб этишни, хориждан олинган қарзлардан фойдаланишни, хориждан мол келтирилишига эрк беришни ўз ичига олади.

Мамлакат маориф тизими мактабларни, лицейлар, касбкор институтларини, университетлар, олий мактабларни ўз ичига олади.

Лицейларда ўқиш бепул, олий таълим эса пулли бўлиб давлат дорилфунунларида ва олий мактабларда амалга оширилади. Ҳозирги замон фани ва технологиясининг энг муҳим соҳаларидаги мавзулар юзасидан тадқиқот олиб бораётган илмий-тадқиқот марказлари асосан Анқара, Истамбул, Измир университетларида ташкил этилган. Китобда шунингдек Туркиянинг маориф, маданияти, музика ҳаёти, мусаввирлик, меъморчилиги, музейлари, соғлиқни сақлаш тизими, спорт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа турли соҳалари бўйича батафсил маълумот олиш мумкин.

Кун сайин ривожланиб бораётган Ўзбекистон ва Туркия алоқалари мустаҳкамдир. Мазкур китоб олиму талаба, сайёҳу ишбилармонлар учун қардош мамлакатни яқиндан билишни истаганлар учун муҳим дастур бўлиб хизмат қилади, деган умиддамиз.

Р. ҚОДИРОВ,
Тошкент Давлат шарқшунослик институти проректори, тарих фанлари номзоди, доцент.

Р. ҚОСИМОВ,
шу институт доценти.

• Ҳиндистондан хат

ВАКОЛАТХОНА ИШ БОШЛАДИ

Ҳурматли «Ўзбекистон овози» газети муҳарририяти ва унинг азиз муштарийлари! Ушбу сатрларни улуғ Ҳиндистоннинг пойтахти Деҳлида яқинда очилган Ўзбекистон Республикаси ваколатхонасининг қароргоҳи биносида ёзаётирман. Газетангиз орқали барча муштарийлар — серқуёш диёримиз меҳнаткашларига Янги йил саломини йўллайман.

Ушбу сатрларни ёзишга даъват этган куч — бу Ўзбекистон мустақилликка эришганлиги ва унинг жаҳон давлатлари доирасида танилиб, халқаро обрўси ошиб бораётганлиги ва тарихимизда биринчи марта халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан ўтказилган Президент сайлови бир йилнинг ўзидаёқ салмоқли самаралар берганлигидир. Чиндан ҳам бу бир йил тарих нуқтаи назаридан жуда оз вақт бўлса ҳам халқимиз бахт-саодати йўлида катта одимлар қўйилганлиги билан кенг мазмунлидир.

Ўзбекистонимиз жаҳондаги юздан ортиқ давлатлар томонидан суверен, демократик давлат сифатида тан олинди, давлатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа бир қатор халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб кирди. Ўзбекистонимиз Президенти Ислом Каримовнинг олиб бораётган оқилона сиёсати туфайли Осиё, Европа, Африка ва Лотин Америкаси қитъаларидаги давлатлар мустақил мамлакатимизга ҳурмат ва қизиқиш билан қарамоқдалар. Юртбошимизнинг Ҳиндистон, Туркия, Саудия Арабистони, Хитой, Жанубий Корея, Индонезия, Малайзия, Эрон, Австрия, Финляндия ва Миср мамлакатларига қилган сафарининг ёрқин натижалари ҳар бир фуқарода катта қизиқиш уйғотмоқда. Чунки Ўзбекистон ҳукумати халқлар ўртасида тинчликни сақлаш, ўзаро ҳурмат, ички ишларга аралашмаслик, ҳар қандай низоларни тинчлик ва музокаралар йўли билан бартараф қилиш, инсон ҳуқуқларининг устунлиги, демократик принципларга асосланган мустақил ташқи сиёсат олиб боришни ўзининг бош вазифаси, деб белгилаган ва ана шунга оғишмай амал қилмоқда.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги бир йиллиги байрами куни — 1 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистондаги консуллик агентлиги, яъни ваколатхонаси очилиши ҳам ана шу катта доно сиёсат борасида олиб борилаётган халқаро алоқаларнинг бир намунасидир.

Ҳасан ИКРОМОВ,
Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистондаги консул агенти.

САЛОМАТЛИК— БЕБАҲО НЕЪМАТ

• Аллергология маркази–20 ёшда

Ўзбекистон ихтисослашган илмий аллергология маркази инсон саломатлиги йўлида иш бошлаганига йигирма йил бўлди. Шу муносабат билан мухбиримиз Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош аллергологи, марказ раҳбари, тиббиёт фанлари доктори О. А. НАЗАРОВ билан суҳбатлашди.

— Озод Аҳмедович, аллергик касалликлар пайдо бўлишининг асосий сабаблари нималардан иборат!

— Аллергия жуда эски касаллик. Лекин ҳозирги техника тараққиёти даври бу хасталикнинг кўпайишига қулай шароит яратиб бермоқда. Кимёвий моддаларнинг турмушда кўп ишлатилиши ва бу моддалардан тайёрланаётган ҳар хил дори-дармонларни даволашда қўллаш мезонининг бузилиши, шифокорлар тавсиясисиз беморларнинг дори-дармонларни билар-билмас ичишлари, эмлаш тадбирларининг нотўғри олиб борилиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, ҳаво таркибида заҳарли моддаларнинг йил сайин ортиши каби иллатлар оқибатида бу хасталик инсон саломатлигига хуруж қилмоқда.

— Сиз раҳбарлик қилаётган марказ қандай қилиб юзага келган!

— Дастлаб аллергология бўлими, кейин марказ ва ниҳоят, республика миқёсидаги ихтисослашган илмий маскан дунёга келди. Бу муассаса йўқдан бор бўлди, ўсди, улғайди ва ҳозирда Ҳамдўстлик мамлакатларига кенг танилган. Туркия ва Швеция каби мамлакатлар билан илмий ҳамкорлик олиб борилаётганлиги муассасамизнинг жаҳонга танилганлигидан далолат беради.

— Марказда даволаш ва илмий изланишлар борасида қандай ютуқларга эришилмоқда!

— Марказимизда бронхиал астманинг атопик тури, пичан иситмаси, ўткир ва сурункали эшак еми, квинка шишлари сингари касалликларни даволашда самарали ишлар олиб борилмоқда. Масалан, кимёвий дориларсиз даволаш ишларига катта аҳамият берилмоқда. Плазмоферез, электромагнит терапияси ва аллергенлар кашф этилган аппарат орқали нафас йўлига юборилмоқда. Минглаб беморлар бу янгича усулда даволаниб, дарддан бутунлай фориғ бўлмоқдалар. Даволаш ишларимизда лазер нури қўлланилиши бу соҳада эришилган катта ютуқларимиздан биридир.

Туркиялик ҳамкасблар билан ҳамкорликда яратилган терфена препарати бир қатор хасталиклар муолажасида жуда ҳам кўл келмоқда.

— Ёш шифокорларнинг бу соҳани эгаллашига қандай аҳамият берилмоқда!

— Ҳозирги пайтда тиббий олийгоҳларимизда билим олаётган талабалар келгусида иш фаолиятида бундай хасталикларни даволашга албатта, дуч келадилар. Шунинг учун ҳам уларга аллергология фанидан сабоқ бериш ҳам долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Ўтган йилдан бошлаб Тошкент Давлат 2-тиббиёт институти клиникаси қошида аллергология шўъбаси ташкил этилиб, бу маскан талабалари аллергик хасталиклар ҳақида етарли илм ола бошладилар.

Марказ муассаса, колхоз ва совхозлар билан шартномалар тузиб, жамоа аъзоларининг саломатлигини яхшилашда яқиндан тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Бунинг учун бизда барча етарли шароитлар бор. Агарда бундай хизматга талабгор жамоалар бўлса бош устига. Бажонидил малакали тиббий ёрдам кўрсатишга тайёрмиз.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

• СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон ихтисослашган илмий аллергология марказидан лавҳалар.

Р. ШАРИПОВ олган суратлар.

Бисмиллаҳир-роҳманир-роҳим.

БИРИНЧИ МАҚОЛА

қилишга тўғри келгудек бўлса, икковидан баробар қутулиш чораси топилмагач, бир хатарлигини ихтиёр этардим. Бунга мисол, Дашти Жете[1] амирлари Туғлуқ-Темурхон[2]га қарши исён туғини кўтардилар. Бу хусусда Туғлуқ-Темурхон мендан маслаҳат сўради. Агар менимни тор-мор этган лашкар юборса икки хатар, ўзи борса бир хатар борлигини билдириб, унга йўл-йўриқ кўрсатдим. Менинг кенгашим билан даштга, исёнчилар устига ўзи бориб эди, барча ишлари мен айтганимдай бўлиб бажарилди.

Ишларимнинг барини кенгаш билан юргизиб, уни битиришда тўғри тадбир қўллар эдим. Бир ишга киришмай туриб, ундан қутулиб чиқиш йўлларини мўлжаллаб қўяр эдим. Уни тўғри тадбир, қатъий жазм, чинлик-чидамлилик кўрсатиб, эҳтиёткорлик билан узоқни кўриб, оргини ўйлаган ҳолда охирига етказардим.

Яна тажрибамдан ўтказдимки, кенгаш эгалари бирлик, иттифоқлик билан сўзда собит, ишда чидамли бўлишлари шартдир. Қилмоқчи бўлган ишларини қилмасдан қолмасинлар. Агар бирор ишни қилмасликка сўз берар эканлар, унинг яқинига ҳам йўламасинлар.

Тажрибамдан маълум бўлдики, кенгаш икки турли бўлур. Бири — тил учида айтилгани, иккинчиси — юракдан чиққани. Тил учида айтилганини (шунчаки) эшитардим. Юракдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қулоғига қуярдим ва дилимга жойлардим.

Агар (ғаним устига) лашкар тортмоқчи бўлсам, уруш-ярашдан ўртага сўз ташлаб, амирларим кўнгилларининг бу икковидан қай бирига мойиллигини билишга интилардим. Агар ярашдан сўз очсалар, бунинг фойдасини уруш зиёнига солиштириб кўрардим, агар урушга мойил бўлсалар, унинг нафъ ва фойдасини ярашиш зиёнига таққослаб кўрардим, қайси бири фойдалироқ бўлса, шуни ихтиёр қилардим. Сипоҳни иккилантирадиган (турумсиз) кенгашни эшитишдан сақланардим. Қайси киши ақлга сиққан бир ишни куйиниб гапирса, суйиб эшитар эдим. Қимки оқилона гапларни эрларча кескинлик билан сўзласа, унга ҳам қулоқ солардим. Ҳар кимдан сўз олиб кенгаш сўрар эдим. Лекин айтилган ҳар бир маслаҳатнинг яхши ва ёмон томонлари ҳақида ўйлаб кўргач, тўғри ва савоблирогини танлаб олардим.

1 Жете — Чиғатой улуси икки қисмга бўлиниб кетгандан кейин (1269 й.) Еттисуғ, Чу воҳаси ва Шарқий Туркистонни ўз ичига олган, унинг шарқий қисми шу ном билан аталган.

2 Туғлуқ Темурхон бин Ўғулхожа бин Дувахон (баъзи манбаларда Тўқлун Темурхон бин Эминхожа шаклида). 18 ёшида амир Пўлодчи томонидан хонликка кўтарилган. У Шарқий Туркистон, Еттисув воҳасидаги ерлар, Тянь-Шань тоғи (Тангритоғ) этакларида жойлашган кўплаб мавзелар, Балхаш кўли, Иртиш ва Эмил дарёлари атрофидаги ерларни ўз ичига олган улкан Мўғулистон салтанатини тузиб, 1348—1362 йилларда ҳукмронлик қилган. 1360—1361 йилларда икки марта Моароуннаҳрга юриш қилиб, Қарши вилояти (Қашқадарё)гача бўлган ерларда қисқа муддат ҳукмронлик қилган. У 1362 йилда вафот этган.

3.

Чунончи, Чингизхоннинг набираси[1] Туғлуқ-Темурхон Моароуннаҳр мамлакатини босиб олиш қасдида қўшин тортиб, Хўжанд сувидан[2] кечиб ўтгач, менга амир Ҳожи барлос[3] ва амир Боязид жалойир[4] номига ёрлиқ[5] жўнатиб, унинг ҳузурига боришимизни талаб қилганди. Улар мен билан кенгашдилар. Ўз эл-улуслари билан Хуросонга кетиш ёки Туғлуқ-Темурхон олдига бориш ҳақида маслаҳат сўрадилар. Мен уларга шундай йўл кўрсатдим: Туғлуқ-Темурхоннинг ҳузурига борсангиз икки фойда, бир зиён бордир. Хуросон томонга ўтиб кетишнинг (эса) икки зиёни, бир фойдаси бордир, дедим. Улар менинг кенгашимга кирмай (эл-юрти билан кўчиб) Хуросон томонга кетдилар[6]. Мен ҳам Хуросонга ёки бўлмаса Туғлуқ-Темурхоннинг

1 Туғлуқ-Темурхон Чингизхонга набира эмас, авлод ҳисобланади. Унинг бобоси Дувахон Чиғатойхоннинг набираси бўлган.

2 Хўжанд суви — Сирдарёнинг ўрта асрлардаги номларидан.

3 Ҳожи Барлос — Амир Темурнинг амакиси Фасиҳ. Ҳавофийнинг ёзишича, 1358 йили мўғул амири Баён сулдус ва Ҳожи Барлос иттифоқ бўлиб амир Қозоғоннинг ўғли Абдуллони жангда енгганлар ва у Андароб томонга қочган. Шунда Кеш (Шаҳрисабз) вилояти ҳукмдорлиги Ҳожи Барлосга теккан. У ва Амир Темур 1360 йилда Самарқанд ҳукмдорларидан ҳисобланган. Туғлуқ-Темурнинг Моароуннаҳрга иккинчи юришида Хуросонга қочиб, у ерда маҳаллий амирлар томонидан 1381 йилда ўлдирилган.

4 Боязид Жалойир — Моароуннаҳрнинг йирик амирларидан бири, Хўжанднинг ҳукмдори бўлган. Туғлуқ-Темурнинг иккинчи юришида унинг фармони билан қатл этилган.

5 Ёрлиқ — фармон.

6 Бу воқеа 1360—1361 йилларда содир бўлган.

4.

• *Ортиқ Отажонов:*

«ҚЎШИҚ ЯНГРАБ ТУРСИН...»

Бу кишини жумҳуриятимизда танимайдиган, бетакрор ашулаларини тинглаб, ошуфта кўнгли ҳузурга тўлмаган инсон бўлмаса керак. 46 ёшида Ўзбекистон халқ артисти, миллий қўшиқчилигимизда ўзига хос мактаб ярата олган ижодкор. Марҳум устози Комилжон Отаниёзовдан бир умр миннатдор. Унинг бир гапини ҳамиша айтиб юради: «Яхшиям Тошкентга келдинг, — деган эди унга устози. — Хоразмда бир томчи эдинг, энди уммонга қўшилдинг. Бу ёғига бардам бўл».

Мана, 1968 йилдан буён филармонияда «якка қўшиқчи» бўлиб улкан санъат уммони ичра сузиб юрибди. Неча ўнлаб шогирдларга йўлбошчи, изидан невараларини Алишержон ва Мардонбеккача эргаша бошладилар.

— Ортиқ ака, исмингизни эшитса, ойнаи жаҳон қаршисидан жилмаядиган юз минглаб мухлисларингиз бор. Асли ўзи исмингиз нега Ортиқ?

— Саҳналарда концерт бериб кўп бор ушбу саволингизга жавоб беришга тўғри келган. Чунки, мухлислар ҳам исмимдан қандайдир рамз қидиргандай бўладилар. Мен айтаман: «Оғайнилар, мен ҳам сизлар каби оддий одам. Ҳеч жойим ортиқмас, фақат отим Ортиқ, холос. Халқимизга ҳамиша таъзимдамиз. Санъат аҳлини доми бошига кўтаради»

— Яратган қўшиқларингиз ичида «Умр ўтар»ни мухлисларингиз доимо севиб тинглашади. Шу ашуланинг яралиш тарихини гапириб бersангиз.

— Тўғри гап. Мана ўн икки йил бўлаяпти. Шу қўшиқ ҳар қачон концертда «хат»га тушади. Омон Матжон аслида бу шеърни қўшиқ бўлади, деб ёзмаган. Дастлаб Отажон Худойшукуров «Умр ўтар»ни куйга солди. Менинг ҳам кўнглимда бир янги оҳанг пайдо бўлган эди. Омон акага бордим ва шеърни олиб ўша мусиқага солдик. Қўшиқнинг яралиши шундай кечган.

— Ўзингиз ҳам шеър ёзасизми?

— Бир пайтлар ёзиб юрардим. Дарвоқе, «Устозни эслаб» қўшиғининг муаллифи ўзимман.

— Ойнаи жаҳонда чиқишларингиздан Сизни жудаям вазмин, жиддий одам деган хулоса чиқади. Бу Сизнинг саҳна маданиятингизми ёки ҳаётда ҳам жиддиймисиз?

— Саҳнада ўзини тута билиш ҳам бир санъат. Қолаверса, савия деб биламан. Ҳаётда эса кунига бир мириқиб кулишим керак, ўзимни аския қилиб бўлса ҳам.

— Республикамиз бўйлаб кўплаб ижодий сафарларда бўласиз. Ана шундай учрашувлардан қандайдир маънан манфаат кўрасизми?

— Нафақат маънан, балки иқтисодий фойда билан қайтган пайтларимиз ҳам бўлган. Бир йили Ғузорга сафарга чиқдик. Лекин шу баҳор қурғоқчилик келиб, ғузорлик деҳқону-чорвадорларнинг кайфияти нохуш экан. Далаларда молларга ўт йўқ, ем йўқ. Бир чўпонникида меҳмон бўлдик. Кечаси анчагача ўтирдик. Мен «Мана, биз келдик, энди ёмғир ҳам бўлади, ўт ҳам, ишларингиз юришиб кетади», деб кўнгилларини кўтарган бўлдим. Ўша куни кечаси бошланди денг ёмғир, кўрсангиз, челаклаб қуйгандек. Эрталаб шаҳар бозорида концертимиз бор эди. Қаршидан Ғузоргача машинада худди сузгандай етиб бордик. Укам Қўзивой концертни бошлаб юборган экан. Уч-тўрт соябон тутиб туришди, уч соатдан кўпроқ ашула айтдик. Тумонат одам, ҳаммаси хурсанд. Ёмғир қуйишига қарамай ҳеч ким жойидан жилмади. Концертни якунладик, шунда бир киши саҳнага чиқиб, «бу сизларга чўпонларимиздан совға» дея иккита қўзини менга тутқазди. Кайфиятимиз зўр, аския қилган бўлдим: «Қўзини Қўзивойга беринглар, бизга агар бўлса қўчқор олиб келинг». Чапаквозлик, кулгу, ишқилиб, қўчқорли ҳам бўлиб қайтганмиз, ўшанда. Юртдошларимиз нақадар оққўнгил ва мард деб кўнглимиз ҳамиша тоғ. Тўғри, укам билан бир ҳафта гаплашмай юрдик, шундан кейин (ҳазил).

— Ортиқ ака эшитишимча, Сурия телевидениесида ликопчада ашула айтиб чиққан экансиз?

— Келинойингиз билан сайёҳ бўлиб Сурияда юрибмиз. Шаҳарларни айланиб келиб, ўрганган кўнгил-да, меҳмонхонада хонани ичкаридан кулфлаб ҳиргойи қилишга тушаман, қўлда ликопча. Бир куни эшик тақиллаб қолди. Очсам, тасвирга туширувчи аппаратлар билан уч киши турибди. Арабчалаб бир нималар дейишади. Сўнг тилмоч топиб келдилар, хуллас, ўша йили мамлакат раҳбарининг юбилейи бўлиб унга атаб кўрсатув тайёрлашаётган экан. Менинг ашуламни эшитиб келишибди. Ҳамроҳларим таништириб кетдилар. Бу одам Ўзбекистончинг энг зўр ашулачиси. Унда ашула айтиб берасиз, ёзиб оламиз, деб туриб олишди. Рози бўлдик, эртаси куни меҳмонхона фойесига одам тўпланди ва қўлда ликопча билан арабча бир қўшиқни куйлаб бердим. Орадан бир кун ўтиб, телевидениеда кўрсатишди. Ҳамроҳларимиз ҳам хурсанд. Сиз баҳона телевизоргаям чиқдик, деб.

— Яқинда Халқлар Дўстлиги саройидаги концертингизда набирангиз Алишернинг рақсга тушиши кўпчиликни лол қолдирди...

— Ўғлим Зокир гарчи бу соҳада ўқимаса ҳам доимо ёнимда. Улуғбекнинг эса қадами яхши, кўз тегмасин. Консерваториянинг Шарқ классикаси бўлимида, Ўлмас Расулов қўлида ўқияпти. Незараларимиз Алишержон билан Мардонбек эса бизнинг қувончимиз. «Мен Навоий бўламан, — дейди олти ёшли Алишеримиз. — Ахир, менга атаб тор ясатгансизку, бобо». Ишқилиб ким бўлмасин, омон бўлсин, деб келинойингиз билан дуо қилиб ўтирамиз.

— Янги йилда режаларингиз?

— Худо ҳоҳласа Янги йилдан умидимиз катта. Телевидение ходимлари билан ҳамкорликда фильм-концерт яратишни режалаштирганмиз. Шунингдек, студиядан ҳам катта концерт билан чиқишимиз мўлжалланган. Бош Санъаткор учун режа — фақат ижод. Мухлисларимизнинг кўнглидаги қўшиқларини яратиш доимий орзуимиз.

— Тилагингиз?

— Шоир айтганидек, «Қўшиқ янграб турсин замин устида».

— Янги йилингиз омадли келсин.

— Раҳмат.

Суҳбатдош

Ҳусан ЭРМАТОВ.

"Ўзбекистон овози мухлисларига!
Янги йилда ҳам мустақил
юртимизда тинчлик
бор қарор бўлсин.
Дилларимизни қўшиқ тарк
этмасин!
О. Ортиқ

• *Осойишталик посбонлари ҳаётидан*

МИЛИЦИОНЕРЛАРГА НЕГА ҲУЖУМ ҚИЛИШАЯПТИ?

Жиноятчиликнинг ўсиб бориши милиция ходимларига нисбатан қаршилик кўрсатишнинг кўпайишига олиб келаяпти. Фурқат районининг Навбаҳор қўрғонида ўз хизмат вазифаларини адо этиб турган милиция ходимлари Ф. Туронов, Э. Эргашевлар ярим тунда халта кўтариб келаётган икки шубҳали кимсани тўхтатишди. Улар негадир милиция ходимлари буйруғига қулоқ солмай икки томонга қоча бошлади. Ф. Туронов қувиб бориб улардан бирига яқинлашганда нотаниш кимса чўнтагидан газ баллонини олиб, милиционерга ўқталди ва унга томон ҳушсизлантирувчи оқимни йўналтирди. Милиция ходими чаққонлик билан мавжуд қоидаларга биноан огоҳлантирувчи ўқ узди. Сўнг ўқ билан жиноятчининг қуролини қўлидан уриб туширди.

Бошқа республикалардан келган бу икки жиноятчи халтасидан икки килограмм кўкнори ва қуроллар чиқди.

Бешариқ райони марказида номаълум кимса давлат хўжалиги ҳайдовчиси М. Маматқуловнинг уйига бостириб кириб, қирқма милтиқ билан таҳдид қилган ҳолда унинг уйидаги «Газ—53» юк машинасини ўғирлаб қочди. Машинани тўхтатиш мақсадида йўлга югуриб чиққан милиция ходими С. Даминовга милтиқдан икки марта ўқ узди. Чаққон милиция ходими ҳам бўш келмади. У мавжуд қоидаларга биноан қурол ишлатиб машинани тўхтатишга муваффақ бўлди.

Худди шундай ҳодиса Фарғона — Қувасой йўлида ҳам содир бўлди. Катта тезликда келаётган «Жигули» енгил машинаси давлат автомобиль назорати ходими сержант Т. Муродовнинг устига йўл солиб юборди. Машина тўхтамагач ғилдирагига ўқ узиб тўхтатилди.

Аммо баъзан ҳаддан ошган безориларнинг жиноий ҳаракатлари туфайли милиция ходимлари орасида қурбонлар ҳам учрамоқда. Яқинда Фарғона шаҳридаги Баҳор кўчасида номаълум автомашина ҳайдовчиси Фарғона шаҳар ички ишлар бўлими қошидаги марказлаштирилган қўриқчилар бўлинмаси ходими сержант А. Маматовни уриб кетди. Маматов касалхонада вафот этди. Лекин вилоят ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги жиноят қидирув бошқармаси бўлимининг бошлиғи Виктор Лига ташланган жиноятчилар адабларини ейишди. Фарғона шаҳрининг Ал-Фарғоний кўчасидаги «Уют» кафеси олдига кечаси ўз машинасида келган Лидан нотаниш одамлар гугурт сўрашди. Майор гугурт йўқ, дея жавоб бериши билан ҳалиги уч одамдан бири тўсатдан машина эшигини юлқиб очиб, милиция майорининг пешонасига қирқма милтиқни тўғрилади. Иккинчиси эса юзига мушт туширди.

Ана шунда жисмоний ва жанговар тайёргарликда ўзини кўрсатган Виктор Линнинг касб маҳорати қўл келди. У чаққонлик билан тўппончасини чиқариб огоҳлантирувчи ўқ узди. Бу кор қилмагач, милтиқ ўқталган шахсга қарата ўқ отди. Номаълум кимсанинг шериклари қочиб кетишди. Қуролли жиноятчи эса ҳалок бўлди.

— Тўғри, кейинги пайтларда айрим МДҲ мамлакатларидан жиноятчи кимсалар орқали вилоятимизга ҳам турли қуроллар кириб келмоқда. Натижада милиция ходимларига қасддан тан жароҳати етказиш, ҳужум қилиш ҳоллари кўпайиб қолди, — дейди Фарғона вилоят ички ишлар бошқармаси шахсий тизим тарбия, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя бўлинмасининг бошлиғи, милиция майори М. Кимсанбоев. — Вилоятнинг Охунбобоев, Қува районларида, Қувасой шаҳрида ана шундай фавқулодда ҳодисалар рўй берди. Биз албатта, шахсий тизимнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлигини кучайтиришга алоҳида эътибор беряпмиз. Зеро, милиция ходимига ҳужум қилган одам ўзидан кучли, чаққон ва жасур киши билан тўқнашганлигини сезиб етсин.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги қурилиши давлат концерни жамоаси бошқарув раиси Ғ. Б. Ҳасановга отаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, республика аҳамиятига молик пенсионер

Ботирали ҲАСАНОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўм аъзоси, Бекобод шаҳар ҳокими Э. Рўзиевга акаси

Елқин РЎЗИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси хорижий мамлакатларга эшиттиришлар республика радиоси жамоаси режиссёр Б. Абдуллаевага отаси

Ниғмат АБДУЛЛАЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг жамоаси, Қорақалпоғистон Республикаси бўлимининг раиси К. Қадримбетовга отаси

Раҳматилла ҚАДРИМБЕТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 12 фоизли ички ютуқли заёми 1992 йил 30 декабрда Тошкент шаҳрида ўтказилган III ютуқлар тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Ютуқлар заёмнинг тўрт разрядидаги серия ва номерлари қуйидагича бўлган облигацияларга чиқди:

Серияси	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	Серияси	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
00393	1-100	5000	25058	084*	25000
00835	054*	25000	25342	1-100	5000
00970	096*	50000	25370	1-100	50[illegible]
01147	1-100	5000	26604	098*	50000
01707	1-100	5000	26988	1-100	5000
02070	1-100	5000	27424	1-100	2000
02086	069*	50000	27558	090*	25000
02883	073*	25000	27806	1-100	5000
03096	1-100	5000	28484	1-100	5000
03219	1-100	5000	28548	019*	25000
03851	1-100	2000	28699	087*	25000
04193	100*	25000	29543	1-100	5000
04286	1-100	5000	29615	035*	50000
04354	1-100	10000	29640	1-100	5000
04431	1-100	5000	30177	065*	25000
05042	1-100	5000	30397	1-100	10000
05557	092*	100000	30879	099*	25000
05741	1-100	5000	30906	032*	25000
05805	1-100	5000	31141	1-100	5000
06185	079*	25000	31466	041*	25000
06232	071*	100000	31750	1-100	2000
06386	1-100	5000	31868	1-100	5000
06536	1-100	5000	32096	1-100	2000
06744	1-100	5000	32104	1-100	2000
06833	1-100	5000	32529	1-100	10000
06872	019*	25000	32671	033*	50000
06957	1-100	5000	32716	1-100	5000
07581	1-100	5000	33064	062*	25000
07645	1-100	10000	33366	1-100	5000
08282	1-100	5000	33690	1-100	5000
08505	056*	25000	34549	1-100	5000
08582	002*	50000	34899	1-100	5000
08594	1-100	5000	35635	072*	25000
09285	037*	25000	35748	1-100	10000
09339	003*	50000	35877	1-100	5000
09501	087*	25000	36007	1-100	5000
09935	1-100	5000	36130	1-100	2000
10026	1-100	5000	36466	066*	50000
10127	1-100	2000	36647	1-100	5000
10569	055*	25000	36714	1-100	5000
11627	1-100	5000	37061	1-100	2000
11780	1-100	5000	37303	1-100	5000
11858	071*	25000	37667	1-100	5000
12015	019*	50000	37772	081*	25000
12658	081*	50000	37845	1-100	5000
12755	1-100	5000	37891	1-100	5000
12988	083*	25000	37948	1-100	2000
13656	1-100	5000	38760	077*	50000
13781	1-100	10000	38769	015*	25000
14479	1-100	5000	38959	1-100	2000
14509	099*	50000	39037	1-100	200[illegible]
14554	038*	25000	39101	1-100	50[illegible]
14869	025*	25000	39255	1-100	5000
14931	1-100	5000	39498	015*	50000
14974	1-100	5000	39919	085*	25000
15223	1-100	5000	40077	087*	50000
15420	067*	25000	40172	005*	50000
15540	033*	25000	40381	049*	50000
15560	022*	25000	40805	1-100	5000
15597	1-100	5000	41119	1-100	5000
15698	085*	100000	41443	1-100	2000
15948	008*	50000	41885	060*	25000
16376	008*	25000	41981	1-100	10000
16486	050*	25000	42244	1-100	5000
16852	056*	25000	42454	1-100	5000
17074	063*	25000	42496	1-100	5000
17225	1-100	5000	42614	1-100	5[illegible]
17301	058*	50000	42734	034*	25000
17771	1-100	5000	42797	074*	25000
17832	1-100	2000	42811	1-100	5000
18248	024*	25000	42971	1-100	5000
18368	1-100	5000	43285	1-100	5000
18503	1-100	2000	43412	1-100	5000
19000	1-100	5000	43431	1-100	5000
19145	097*	50000	43742	1-100	5000
19161	1-100	5000	43773	048*	25000
20206	1-100	5000	43804	1-100	5000
20396	085*	25000	43879	037*	25000
20399	026*	25000	44042	1-100	5000
20419	1-100	5000	44208	1-100	10000
20511	1-100	5000	44404	1-100	5000
21277	1-100	10000	44434	1-100	5000
22221	1-100	5000	44443	059*	50000
22231	1-100	5000	44621	1-100	5000
22255	1-100	2000	45420	1-100	2000
22347	1-100	5000	45651	049*	50000
22397	007*	25000	45861	093*	25000
22456	1-100	5000	46248	055*	25000
22843	1-100	10000	46380	070*	25000
22891	032*	25000	46569	1-100	2000
23224	087*	50000	46994	004*	100000
23227	1-100	5000	47937	037*	25000
23334	072*	100000	48130	1-100	2000
23548	1-100	2000	48200	1-100	5000
23643	1-100	5000	48495	042*	50000
23676	024*	50000	48852	1-100	200[illegible]
23701	1-100	2000	48955	1-100	5000
24048	1-100	5000	49373	056*	25000
24833	058*	250000	49480	079*	25000
24978	039*	25000	49900	001*	50000

***) Шу сериядаги облигацияларнинг қолган номерига 2000 сўмдан ютуқ чиқди.**

Жадвалда 500 сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

1000 сўмлик облигацияларга бир хил миқдорда 10000, 5000, 2000 сўмлик ютуқ чиққан тақдирда 20000, 10000, 4000 сўм ютуқ тўланади.

1000 сўмлик облигация номерлардан бирига 25000, 50000, 100000, 250000 сўм миқдорида ютуқ чиққанда унинг иккинчи номерига 2000 сўм чиқади ва облигация бўйича 27000, 52000, 102000, 252000 сўм тўланади. 250 сўм қийматидаги облигацияларга 500 сўмлик облигацияга чиққан ютуқнинг ярми тўланади.

Ютуқ пулига чиққан облигациянинг бевосита қийматги ҳам киради.

Ушбу жадвал расмий ҳужжат ҳисобланиб Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банкининг муассислари томонидан ана шу ҳужжат асосида рўзномаларнинг кейинги сони чиққан кундан бошлаб ютуқларни белгиланган тартибда тўлай бошлайди.

Ютуқлар тиражини ўтказиш комиссиясининг раиси Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш. Ҳ. НИЗОМОВ.

Тираж комиссиясининг масъул котибаси Ўзбекистон жамғарма банкининг аҳолига комплекс хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғининг муовини, Т. М. МИНИБОЕВА.



МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ, ГСП, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

● РЕДАКЦИЯЛАР Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14. Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43; 32-53-16. Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16- 31-11-49. Хатлар бўлими — 33-20-36; 32-54-35. Котибият — 33-72-83, 32-53-06. Ахборот — тижорат хизмати — 32-54-14. Қабулхона — 32-55-15.

● ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда—4-48-85, Бухорода—3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада 6-97-89, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича 33-76-04. Вилоят бўйича 32-26-70.

Навбатчи муҳаррир: У. ФАЙЗИЕВА.

● Бирорта ҳам хат редакция эътиборидан четда қолмайди.
● Эълонлар кечиктирмай чоп этишга кафолат берилади.
● Қўлёзмалар ҳажми чегараланмайди.
● Газетанинг босилиш сифати ҳақида эътирозни қуйидаги телефонга маълум қилишингиз мумкин: 33-34-48.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Тиражи — 164.390 нусха. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—22.30. Г—07 № 3. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.